

# DIDACTIC OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF A CONFLICT CULTURE IN STUDENTS THROUGH THE SUBJECT "EDUCATION"

**Khudaiberdiyev Oybek Gafurovich**

2nd year master's student of Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

**Annotation:** This article describes the didactic possibilities of forming a conflict culture in students through the subject "Education". The author showed students how to develop conflict prevention skills in the process of teaching the subject.

**Keywords:** Methodological Support, Education, Textbooks, Education System, Science, Teaching, Pedagogy, Conflict, Conflict, Knowledge, Skills.

## “ТАРБИЯ” ФАНИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КОНФЛИКТОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

**Худайбердийев Ойбек Гафурович**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти 2 курс магистранти

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Тарбия” фани орқали ўқувчиларида конфликтологик маданиятни шакллантиришниң дидактик имкониятлари ёритиб берилиган. Муаллиф мазкур фанни ўқитиши жараёнида ўқувчиларда низоларниң олдини олиш кўникмаларини шакллантириш йўлларини кўрсатиб берган.

**Калит сўзлар:** методик таъминот, тарбия, дарслик, таълим тизими фан, ўқитиши, педагогика, конфликт, низо, билим, кўникма.

### **КИРИШ.**

Бугунги таълим тизими анаъанавий ёндашувга асосланган мазмундаги ўкув дастурларидан возкечиб, инновацион рақамли иқтисодиёт ва ахборотли жамият учун кадрлар тайёрлаш имконини берадиган ўқитиши тизимиға ўтиш даврини бошдан кечирмокча. Шунга мос равишда таълим беришга ёндашувлар ҳам ўзгариб, Интернет ва ахборот технологиялари даврида оддий билим берувчидан, қизиққан йўналиши бўйича автоматлаштирилган юқори технологияларга мос касбга тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Бундай даврда “Тарбия” фанини ўқитиши орқали ўқувчиларда рақобатбардошлиқ, шахслараро муносабатларни ўрната олиш қобилиятини ривожлантириш зарур бўлиб, “Тарбия” дарсликлари мазмуни танқидий фикрлаш, коммуникативлик, ижодий яратувчанлик ва ҳамкорлик кўникмаларини, яъни компетенцияларни ривожлантиришга замин яратади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълимда “Тарбия” фанини ўқитиши ўқувчиларда конфликтологик маданиятни шакллантиришниң муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Педагогик конфликт таълим ва тарбия жараёнида ўзаро тушунмовчилик натижасида юзага келадиган низолар мажмуидир. Айни пайтда, педагогик конфликт ўткинчи низо, зиддият ва ихтилофлар бўлиб, уларни бартараф этиш имкониятлари, албатта мавжуддир.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.**

Адабиётлар таҳлили асосида “Тарбия” фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларида конфликтологик маданиятни шакллантиришниң қуйидаги дидактик имкониятлари аниқлаштирилди:

1. 10 синф “Тарбия” фанида ўқувчиларга турли дунёвий динлар ҳақида ва ушбу динларда, айниқса ислом динида қадриятлар, диний бағрикенглик, қотиллик, ўғрилик, гумрохлик, ёлғон сўз, маст қилувчи нарсалардан сақланиш, тинчликпарварлик ғоялари, куч ишлатмаслик, ўзаро низоларни ярашиш, келишиш йўли билан ҳал етиш, жамиятдаги тинчликка таҳдид, тажовузкорлик ва зўравонликни олдини олиш борасида сўз юритилган.

Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик  
қайтарманглар. Барча одамларнинг кўзи олдида  
яхшилик қилишга интилинглар. Агар иложи бўлса,  
қўлингиздан келганича барча одамлар билан  
тинч-тотув ҳаёт кечиринглар.

*Янги Аҳд. Римликларга мактуб, 12-боб.*

Дунё динларида ва қадимий манбааларда инсонпарварлик ғояларини ўқувчилар онигига сингдириш “Тарбия” дарслигига акс этган.

Ушбу дарсликнинг “Бузғунчи ғоялар” мавзуларида ижтимоий ва халқаро низолар тўғрисида сўз юритилган. Мавзуда ўқувчи мулоҳаза қилиши учун эзгу сифатлар учун алоҳида, бузғунчи ғоялар учун алоҳида таърифлар берилган. Ўзбекистон ҳар қандай кўринишдаги низоларга аралашмаслик, бузғунчи ғояларни ёқламаслик, тинчлик тарафдори бўлиш, диний бағрикенглик ғояларини илгари суриш сингари халқаро хужжатларга кўшилганлиги кўрсатилган. Тарихга назар саҳифасида “Адолатли ечим: урушнинг олди олинди” жумлали қисқа сатрли мавзуда Ҳадиси Шарифдан мисоллар келтирилган. Бундай қисқа матнлар ўқувчиларни низоли вазиятларни олдини олиш ва конструктив ечим топишга ўргатади, деб айтиш мумкин.

2. Ўсмиirlар конфликтологик онги, унинг низоларни башорат қилиш, олдини олиш ва ҳал қилиш қобилиятлари ҳали унчалик ривожланмаганлиги учун баъзида унинг ўзгалар билан зиддиятда бўлиш ҳолати юзага келади. Бундай зиддиятлар қўпол муносабат, ҳурматсизлик, ҳамиша биринчи бўлишга интилиш каби кўринишларда намоён бўлади. “Тарбия” фани бундай педагогик конфликтларни изчил ҳал қилиб бориш имкониятларига эга. Миллий тарбия тажрибаси мисолида бу борада бир неча самарали йўллар баён қилинган. Мисол учун, Иброҳим Қассар (IX аср) дейди: “Инсоннинг бу дунёда икки нарса қалбидаги кўзгалишларни йўқ қиласи:

- 1) тенгдошлар билан мулоқот;
- 2) устозларга хизмат”.

Демак, “Тарбия” фанини ўқитиши жараёнида ўсмиirlарда ўзгалар билан пайдо бўладиган низоларни ижодий бошқариш, конструктив мулоқот ва маданият олами билан тўлиқ ҳамда ижобий муносабатда бўлишга ўргатиш мумкин.

3. Дарсликдаги “Хавфсиз медиа уммони” мавзууси биз танлаган тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатувчи, яъни болаларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, уларни турли зўравонликлар таъсиридан муҳофазалаш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мазмунни ўз ичига олган. Шу жумладан, ёшларда Интернет хуружи, кибербуллинг, ёлғон ахборотни ажратса олмаслик, турли хил салбий мазмундаги маълумотларнинг ёйилиши, агрессив, зўравонликка ундовчи сайтларнинг пайдо бўлишига олиб келиш ҳақида фикр юритилган ва уларни асословчи мисоллар ҳам келтирилган. Ушбу дарсликда жамланган мавзулардаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ўқувчиларда соғлом маънавий иммунитетни шакллантиришга ҳизмат қилиши мумкин.

Эътибор берилса, миллий педагогикамиз тажрибасида тарбия жараёни тарбияланувчиларда юзага келадиган турли низоларни ўз вақтида бартараф этиб боришга ҳам асосланади. Бунинг учун ўқитувчи ва ўқувчининг ҳар томонлама фаоллигига таянилади. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига “Тарбия” фанини ўқитишида миллий педагогикамизнинг тажрибаларига таяниш мақсадга мувофиқдир.


## НАТИЖАЛАР.

“Тарбия” фанини ўқитиши жараёнида биз конфликтли вазиятда хулқ-атворнинг турли моделларидан фойдаланишга янада табақалаштирилган ёндашувга имкон берувчи ўқув ва далилий материалларни излаш ва таъминлашга алоҳида еътибор қаратиш керак. “Тарбия” фанининг

ўқувчиларида конфликтологик маданиятни шакллантириш имкониятлари кўплигини ҳисобга олиш зарур.

Зеро, ўқувчиларда конфликтологик маданиятни ривожлантириш учун “Тарбия” фанини умумий ўрта таълимда ўқитиш жараёнида низоли вазиятларни бартараф этиши тизими қуидагича кўрнишга эга бўлади (1-расм).

Бундай ёндашув юқори синф ўқувчиларига “Тарбия” фанини ўқитишда педагогик конфликтларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Бунинг учун ўқитувчи ҳамиша янгиликка интилувчан, тарбияланувчини субъет ва ҳамкор сифатида қабул қилувчи ва уни мақсадли фаолиятга йўналтирувчи тыотор вазифасини бажариши керак.



**1-расм. “Тарбия” фанини умумий ўрта таълимда ўқитиш жараёнида низоли вазиятларни бартараф этиши тизими**

## **МУХОКАМА.**

“Тарбия” фани мамлакатимиз таълим тизимида янгидан киритилган интегратив ўқув предмети бўлиб, уни сўқитиш асослари, методлари ва технологиялари ишлаб чиқилиши керак. Шу сабабли мазкур фан ўқитувчиларининг кўнгималарини кучахтириб бориш, бўлажак ўқитувчиларини унга тайёрлаш ва муаммолар бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тақозо этилади. Бу борадаги тажрибалар мувофиқлаштириб борилиши айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Педагогик конфликтлар назарияси ва амалиётида ўқувчиларнинг қуйидаги хусусиятлари эътиборга олинади:

- ўсмиirlарининг ўсишини ҳаракатга келтирадиган зиддиятлар;
- ўқувчи психик камолоти даражаси;
- ўқувчи онгига содир бўлаётган ўзгаришлар;
- ўқувчининг ахлоқий тушунчасида бўлаётган янгиликлар;
- ўқувчини ўраб турган атроф-муҳит (социум);
- ўқувчининг ўзга(бошқа)ларга муносабати;
- ўқувчининг ўзига хос индивидуал эҳтиёжлари;
- ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқиши.

Эътибор берилса, мазкур хусусиятлар ўсмиир ёшдаги ўқувчиларида яққол сезилиб туради. Шу сабабли уларни таълим ва тарбия муҳити билан таъминлаш муҳим масаладир. Бунинг учун оиласи тарбия жараёнларини мунтазам кузатиб бориш, мактаб таълими муҳитини ўрганиш ва ўқувчи шахсидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб бориш тақозо этилади. Педагогик конфликтларни олдини олишда ўқитувчи ва мураббийларнинг фаоллиги бирламчи ҳисобланади. Шу сабабли тарбия жараёнида ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми устувор бўлиб, унга кўра, ота-оналар ва мактаб жамоаси уларнинг хулосаларига асосан таълим жараёнида иштирок этади.

## **ХУЛОСА.**

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни педагогик конфликтларни бартараф этишга тайёрлаш, уларда назарий билим ва амалий-касбий кўнкима ҳамда малакаларни таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун уларни педагогик конфликтлар бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқотлардан мунтазам хабардор қилиб бориш, индивидуал кузатувчанлик ва муаммоларга самарали ечим топиш қобилиятини ривожлантириш талаб этилади.

Шу билан бирга, “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчилар билан конфликтологик тайёргарлик элементларини қўллашнинг рефлексив усуллари орқали машғулотлар ўтказиб берилса, нафақат уларнинг конфликтологик маданияти даражасини ошириш, балки бошқа бир қатор ижтимоий компетентлик параметрларида сезиларли фарқларни кузатиш имкони юзага келади. Демак, “Тарбия” фани бўйича дарсларни конфликтологик маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган кооператив ва рефлексив усул ҳамда машқлардан самарали фойдаланилса, биргаликдаги самарали ҳамкорлик фаолияти, муросасозлик, қатъий қарорлар қабул қилиш, ижтимоий интуиция, толерантлик фазилатларини таркиб топтиришга эришиш мумкин. Натижада, ўқувчилардаги салбий ҳис-туйгулар, ижтимоий меъёrlарга зид хатти-ҳаракатлар, тажовузкорлик ва буллингни олдини олиш имконияти юзага келади.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумих ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жориҳ этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли Қарори. // www. Зиёнет.уз. 2020 ҳил 7 июль.
2. Мустафаева, С.А. Педагогические конфликты: причины и пути их решения // Экспресс-эксперимент, 2000 №1
3. Мухамедов Г., Ходжамқулов У. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. – Чирчиқ, 2019.
4. Шербакова О.И. Тренинг конфликтологической культуры личности: Программа и методические указания. – М.Тверь: ООО «Издательство «Триада», 2010. – 152с.

5. Jabborova O., Jumanova F., Mahkamova Sh. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. // International journal of psychological and rehabilitation, 24(4). – P.4087-4095.
6. “Тарбия” 10-сinfлар учун дарслик / Д.Кенжаев, З.Замонов, З.Исломов ва бошқалар. – Т.: (нашриёт номи), 2021 – 1286
7. “Тарбия” 11-сinfлар учун дарслик / Д.Кенжаев, Н.Исматова, З.Исломов ва бошқалар. – Т.: (нашриёт номи), 2021 – 1286.